

АЛИМОВА Махфуза,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий
ўрганиш UNESCO кафедраси
доценти, тарих фанлари номзоди
mahfuzaalimova1975@gmail.uz

ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНЛАРАРО МУЛОҚОТ ВА БАҒРИКЕНГЛИК ТАМОЙИЛЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАСАЛАЛАРИ

ВОПРОСЫ УКРЕПЛЕНИЯ ПРИНЦИПОВ МЕЖРЕЛИГИОЗНОГО ДИАЛОГА И ТОЛЕРАНТНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ

ISSUES OF STRENGTHENING THE PRINCIPLES OF INTERRELIGIOUS DIALOGUE AND TOLERANCE IN UZBEKISTAN

Аннотация. Ўзбекистон Республикасида диний соҳадаги давлат сиёсати қонунийлик, виждон эркинлиги, диннинг давлатдан ажратилганлиги, тенглик, эркин танлов, динлараро мулоқот ва ўзаро тушуниш каби асосий принципларга таянади. Ўз навбатида “динлараро мулоқот ва ўзаро тушуниш” принциплари асосида турли динларга эътиқод қиладиган ёки бирор-бир динга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, турли конфессияларга оид ташиқлотлар ўзаро диний бағрикенглик, муроса, ҳурмат ва ўзаро тушуниш асосида мулоқот ўрнатади.

Калит сўзлар. Дин, динлараро мулоқот, маданият, бағрикенглик, ўзаро тушуниш, сиёсат, виждон эркинлиги, диншунослик.

Аннотация. Государственная политика в религиозной сфере в Республике Узбекистан основывается на таких основных принципах, как законность, свобода совести, отделение религии от государства, равноправие, свободный выбор, межконфессиональный диалог и взаимопонимание. В свою очередь, на основе принципа «межконфессионального диалога и взаимопонимания» граждане разных вероисповеданий или не исповедующие никакой религии, а также организации разных конфессий устанавливают диалог друг с другом на основе

религиозной толерантности, компромисса, уважения и взаимопонимания.

Ключевые слова. Религия, межконфессиональный диалог, культура, толерантность, взаимопонимание, политика, свобода совести, религиоведение.

Annotation. State policy in the religious sphere in the Republic of Uzbekistan is based on such fundamental principles as legality, freedom of conscience, separation of religion from the state, equality, free choice, interfaith dialogue and mutual understanding. In turn, on the basis of the principle of “interfaith dialogue and mutual understanding”, citizens of different faiths or those who do not profess any religion, as well as organizations of different faiths establish a dialogue with each other on the basis of religious tolerance, compromise, respect and mutual understanding.

Keywords. Religion, interfaith dialogue, culture, tolerance, mutual understanding, politics, freedom of conscience, religious studies

КИРИШ

Мамлакатимизда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси ва раҳбарликлари остида ҳуқуқий, дунёвий, демократик ва ижтимоий давлат бўлган Янги Ўзбекистонни барпо этиш сиёсати “Инсон қадри ва манфаатлари учун” деган эзгу ғоя асосида ҳаётга жорий этилмоқда. Янгиланган Конституциямизда миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг тенглиги, инсон ҳуқуқлари, сўз ва виждон эркинлиги принципларига садоқат яна бир бор тасдиқланди [1: 2]. Шу ҳуқуқий асосда қабул қилинган “Ўзбекистон – 2030” тараққиёт стратегияси [2:1] Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларига [3:1] уйғун эканлигини ҳам таъкидлаш зарур.

АСОСИЙ ҚИСМ

Юртимизда хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир заминда буюк ғоя ва соф ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашлиги бағрикенгликнинг ёрқин намунаси. Президентимиз таъкидлаганларидек: “Бизнинг қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доимо хос

бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади”. Чуқур ўйланган миллий ва диний сиёсат туфайли Ўзбекистон бугун бутун дунё мамлакатлари учун бағрикенгликни ўзида мужассам этган давлат сифатида намуна бўлмоқда.

Динлараро мулоқот ва ўзаро тушуниш — бу диний хилма-хилликка эга жамиятларда динлар ўртасидаги яхши муносабатларни қарор топтириш, ҳар бир дин ва уларнинг тарафдорларига ўзаро ҳурмат билан муносабатда бўлиш ҳамда диний бағрикенгликни таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган муҳим принципдир. Бу принцип Ўзбекистон Республикасининг диний соҳадаги давлат сиёсатининг муҳим бўғини ҳисобланади ва жамиятда тинчлик, барқарорлик ва ижтимоий тотувликни сақлашга йўналтирилган [4:1].

Ўз навбатида динлараро мулоқот — турли динлар ва уларнинг тарафдорлари ўртасидаги очиқ ва фаол алоқа, диалогни англатади. Бу мулоқот ҳар бир диннинг ўзга ёки бошқа динларга нисбатан иззат ва ҳурмат билан қарашини таъминлашга ёрдам беради. Ўзаро тушуниш эса, ҳар бир диннинг таълимотларини тушуниш, уларнинг дунёқарашини ва амалларини қабул қилишдир. Бу принципга мувофиқ, турли динлар ва уларнинг тарафдорлари ўртасидаги қиёслаштириш ва салбий муносабатларнинг олдини олиш учун уларнинг ўхшашликларини топиш, инсон ҳуқуқларига бўлган умумий муносабатни аниқлашга қаратилади.

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мақсадларида ҳам жамиятда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди [5:1]. Унда ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга шахс сифатида тарбиялаш, уларда бағрикенглик маданиятини ривожлантириш, турли миллат ёшлари учун қўшимча қулай шарт-шароитлар яратиш, ватанпарварлик, бағрикенгликка асосланган миллатлараро муомала маданияти ҳис-туйғусини мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар ўрин олди. Бу борада 2023 йил

19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 78-сессиясида Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан сўнгги пайтларда айрим мамлакатларда кўзга ташланаётган диний тоқатсизлик, исломофобия ҳолатларига йўл қўймаслик ва жаҳон миқёсида динлараро бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик ғояларини кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистонда ЮНЕСКО шафелигида Динлараро мулоқот ва бағрикенглик халқаро марказини ташкил этиш таклиф қилинди. Зеро, бағрикенглик ўзбек халқи маънавияти ва маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланади.

2019 йилдан бошлаб Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси билан 16 ноябрь – Халқаро бағрикенглик куни билан боғлиқ тадбирлар Ўзбекистонда ҳафталик тарзида кенг нишонланади. Хусусан, 2024 йил ҳам ушбу анъанага мувофиқ “Янги Ўзбекистонда диний бағрикенглик” шиори остида “Бағрикенглик ҳафталиги” бўлиб ўтди. Ҳафталик доирасида брифинг, давра суҳбатлари, конференциялар ва бошқа маданий-маърифий ва илмий-амалий тадбирлар ўтказилди. Мазкур ҳафталикнинг ўтказилиши – жамиятда бағрикенглик ғояларининг мустаҳкамланиши, турли миллат ва элат ҳамда диний конфессия вакиллари ўртасида ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларининг янада мустаҳкамланиши, динлараро мулоқот ва ўзаро тушунишни мустаҳкамлаш ҳамда бағрикенглик муҳитини яратишга хизмат қилди [6:2].

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 25 сентябрдаги 495-сон қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг виждон эркинлиги кафолатларини таъминлаш борасидаги катта хизматлари, аҳоли ўртасида динлараро ва конфессиялараро ҳамжиҳатлик, тотувлик ва бағрикенгликни мустаҳкамлаш, диний-маърифий соҳадаги ислохотларни тарғиб этиш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини сақлаш йўлидаги кўп йиллик самарали меҳнати учун атоқли давлат ва жамоат арбоблари, диний-ижтимоий соҳадаги раҳбарлар ва етук уламолар, давлат ташкилотлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ходимлари меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида «Диний бағрикенглик» кўкрак нишонини таъсис этилди [7:1].

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмита (Қўмита) ҳузуридаги

Конфессиялар ишлари кенгаши янгиланган таркиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги ПҚ-3668-сон қарорига асосан 17 нафардан иборат этиб тасдиқланган [8:1]. Кенгашни Қўмита раиси бошқаради, расмий рўйхатдан ўтган барча конфессия раҳбарлари аъзо сифатида киритилган. Кенгаш Қўмита ҳузурида фаолият юритадиган жамоатчилик-маслаҳат органи ҳисобланади. Қўмита раиси лавозимига кўра Кенгаш раиси ҳисобланади. Кенгаш аъзолари ўз фаолиятини жамоатчилик асосида олиб боради. Кенгаш ўз мажлисларида республика ҳудудлари ва хорижий давлатлардаги диний-ижтимоий жараёнларнинг жорий ҳолатини, шу жумладан, ДИҚ ҳузуридаги Марказ томонидан тайёрланган ахборот-таҳлилий материалларнинг тегишли қисмини доимий равишда муҳокама қилиб боради ва натижасига кўра Қўмитага тавсиялар беради. Кенгаш Қўмита томонидан тасдиқланадиган низом асосида фаолият олиб боради. Шу қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепцияси лойиҳаси 2025-йил 6-феврал куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида юртимиздаги конфессиялар вакиллари иштирокида атрофлича муҳокамасига бағишланган учрашув ўтказилган ҳамда турли конфессиялар вакиллариининг таклиф ва мулоҳазалари асосида янада маромига етказилди [9:1].

Республикада динлараро мулоқот ва ўзаро тушунишнинг аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

- жамиятда диний бағрикенгликни таъминлаш. Бунда динлараро мулоқот ва ўзаро тушуниш жамиятда динлар ўртасидаги бағрикенгликни шакллантиради. Бу, ўз навбатида, экстремизм, ксенофобия ва турли динларга ёки этник гуруҳларга нисбатан ишлатилган зўравонликларнинг олдини олишга ёрдам беради;

- динлар ўртасидаги ишончни ошириш. Мулоқот ва тушуниш орқали турли динларга мансуб одамлар ўртасида ишонч пайдо бўлади. Бу ишонч, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ва жамиятдаги диний муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилишга кўмаклашади;

- тинчлик ва барқарорликка хизмат қилиш. Динлараро мулоқот диний радикализмнинг

таракқиётига тўсқинлик қилади ва жамиятда тинчлик ва барқарорликнинг сақланишини таъминлайди. Мусулмонлар, христианлар, яҳудийлар ва бошқа динларнинг тарафдорлари ўртасидаги тушуниш, динлар ва маданиятлар ўртасидаги зиддиятларни камайтиради;

- дин ва давлатнинг ажратилганлигини таъминлаш. Динлараро мулоқот ва ўзаро тушуниш давлат сиёсатининг диндан ажратилгани, мустақил эканини таъминлайди. Бу эса ҳар бир динга ҳурмат билан муносабатда бўлишни ва динларнинг давлат ишларига таъсир ўтказмаслигини таъминлашга ёрдам беради.

Ўзбекистондаги диний ҳаёти учта тамойил билан ажралиб туради:

- диний плюрализм – ҳар бир киши ўзининг диний эътиқодига эга эканлиги;

- диний бағрикенглик – ҳар хил эътиқодда бўлган фуқароларнинг ўзаро ҳурмати ва тинчликсеварлиги;

- динлараро мулоқот – мамлакатда мавжуд бўлган конфессиялар орасидаги самарали муносабатлардир.

Ўз навбатида диний бағрикенгликнинг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш;

- саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашиш;

- бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш;

- диний эркинликни таъминлаш.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳам юртимиздаги бағрикенглик буюк тарихий анъаналарга монанд. Ўзбекистон фуқароларининг виждон ва эътиқод эркинлиги уларнинг миллати, ирки ва диний келиб чиқишидан қатъи назар тўлиқ кафолатланган. Турли миллат ва дин вакиллари ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш борасида кенг қамровли ва изчил сиёсат амалга оширилмоқда. 2025-йил 25-февралдаги Ўзбекистон Республикасининг 1037-сонли Қонуни билан Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепцияси тасдиқланди.

Диний соҳадаги давлат сиёсатининг мақсади – фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқини амалга ошириш учун тенг шароитлар яратиш, турли динлардаги диний ташкилотлар ўртасида ўзаро тушуниш ва ҳурматни қўллаб-

кувватлаш, конфессиялараро тотувликни мустаҳкамлаш, жамиятда диний бағрикенглик ва дунёвийликни таъминлашдан иборат.

Унда дунёвий қадриятлар – виждон эркинлигига, қонун устуворлигига, мафкура ва фикрлар хилма-хиллигига, динлараро бағрикенглик ва миллатлараро тотувликка асосланган жамиятдаги умуминсоний принциплар, нормалар ва қарашлар мажмуи экани таърифланган.

Мамлакатда таркиби барча диний конфессиялар раҳбарларидан иборат бўлган Конфессиялар ишлари бўйича кенгаш фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур Кенгаш турли конфессиялар ўртасида ўзаро мулоқотни ўрнатиш, конфессиялараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашнинг самарали майдони сифатида хизмат қилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон миллатлараро ва конфессиялараро тотувлик амалда таъминланган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат сифатида барқарор ривожланиб келмоқда.

Мамлакатда 16 та конфессияга мансуб бўлган 2 300 дан ортиқ диний ташкилотлар эркин фаолият юритмоқда, 130 дан зиёд миллатлар ва элатлар вакиллари истиқомат қилмоқда. Давлат томонидан 7 тилда таълим олиш имконияти яратилганлиги, 12 тилда телерадиодастурлар эфирга узатилаётганлиги, 14 тилда газета ва журналлар чоп этилаётганлиги, 155 та миллий маданий марказ эркин фаолият юритаётганлиги миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик муҳитининг амалдаги намунаси ҳисобланади.

Шу билан бирга, қонунлар билан тартибга солинган ижтимоий муносабатларга муайян бир динга хос қоидаларни жорий этишга бўлган уринишлар, аёллар ва эркаклар ҳуқуқлари тенглигини шубҳа остига қўйиш, фуқаролик мажбуриятларини бажаришдан бош тортиш, ижтимоий ахлоқ нормаларини, миллий ва умуминсоний қадриятларни инкор этиш, тиббий хизматдан, илм-фан ва маданият ютуқларидан, товарлар ва хизматлардан фойдаланишга бўлган ҳуқуқларни чеклаш, айрим давлат хизматчиларининг дунёвий давлатчилик моҳиятини теран англамаслиги ҳамда жамият тараққиёти, бирдамлиги ва барқарорлигига путур етказувчи қонунга ҳилоф ғоялар ва қарашлар тарқалиши ҳоллари учрамоқда.

Қолаверса, ахборот маконининг глобаллашуви натижасида ижтимоий тармоқлардан эркин фойдаланилиши, ёшларнинг миграция жараёнларига кенг жалб қилиниши шароитларида радикаллашувга сабаб бўлувчи омилларни тўлиқ назорат қилиш имконияти чекланган. Бундай ҳолатлар ягона Ўзбекистон халқининг, жамият ва давлатнинг ҳамжиҳатлигига хатар бўлиб, қонун ҳужжатларига риоя этилмаслигига, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари бузилишига, фуқароларнинг ҳуқуқий тартиботга муносабати салбий томонга ўзгаришига, ватанпарварлик туйғулари емирилишига, оилавий низоларга олиб келиши мумкин.

Диний соҳадаги давлат сиёсати принциплари аниқ белгиланмаганлиги унинг аҳоли ўртасида турлича тушунилишига, дунёвий давлат асосларининг бузиб талқин қилинишига, жамиятда зиддиятли вазиятларнинг кучайишига олиб келиши мумкин. Шунингдек, илм-фан ва технологик ютуқлар билан ҳисоблашмаслик, уларнинг давлат ва жамият тараққиётидаги аҳамиятига эътиборсизлик, замон билан ҳамқадам бўлмаслик мамлакатнинг глобал рақобат майдонида муносиб ўрин эгаллаш йўлидаги долзарб вазифаларни амалга оширишни мураккаблаштиради.

Ҳозирги кунда жамиятимизда барқарорлик таъминлаб келинмоқда, давлат томонидан фуқароларнинг виждон эркинлигига бўлган ҳуқуқлари қонун устуворлиги асосида ишончли ҳимоя қилинмоқда.

Давлат органларининг ва фуқаролик жамияти институтларининг турли диний конфессиялар вакиллариининг виждон эркинлигига бўлган ҳуқуқини рўёбга чиқариши учун тенг имкониятлар яратиш бўйича тизимли фаолияти мамлакатимизда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлашнинг самарали моделини изчил ривожлантиришга имкон бермоқда.

Ўзбекистон Республикасида диний соҳадаги давлат сиёсатининг асосий вазифалари қаторида “жинси, irqи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, фуқароларнинг эркинлигини ва қонун олдида тенглигини таъминлаш ҳамда конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўймаслик чораларини кўриш”; “кўп миллатли

ва кўпконфессияли Ўзбекистон халқининг бирлиги ва бирдамлигини, урф-одатларига нисбатан ҳурмат руҳини мустаҳкамлаш, уларнинг ривожланиши учун тенг шарт-шароитлар яратиш” кабилар ҳам белгиланган.

Қонунда белгилангандек, Ўзбекистон Республикасида диний соҳадаги давлат сиёсати қонунийлик, виждон эркинлиги, диннинг давлатдан ажратилганлиги, тенглик, эркин танлов, динлараро мулоқот ва ўзаро тушуниш каби асосий принципларга таянади. Мазкур қайд этилганлардан “динлараро мулоқот ва ўзаро тушуниш” принципи асосида турли динларга эътиқод қиладиган ёки бирор-бир динга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, турли конфессияларга оид ташкилотлар ўзаро диний бағрикенглик, муроса, ҳурмат ва ўзаро тушуниш асосида мулоқот ўрнатади. Бунда давлат турли динларга эътиқод қиладиган ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, турли конфессияларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро муроса ва ҳурмат, бағрикенглик руҳи ўрнатилишини таъминлайди, радикаллашувга, экстремизмга, терроризмга, турли динларга мансуб ақидаларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга ва кескинлаштиришга, шу асосда фуқаролар тотувлигини бузишга, турли конфессиялар ичида ва бошқа конфессиялар ўртасида адоват қўзғатишга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймайди.

Қонуннинг “Дунёвий давлатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва механизмлари” номли 6-бобида давлат бошқаруви йўналишидаги дунёвийлик сифатида етти муҳим йўналишдаги қарорларни қабул қилиш ҳамда амалга оширишда Конституция ва қонунларга мувофиқ умуммиллий ва умуминсоний қадриятларни ва маданий меросни ҳурмат қилган ҳолда, умумжамиyat манфаатларини кўзлаш, илмий асосланган ёндашувларга таяниши таъкидланган. Маълумки, дунёвийлик деганда, виждон эркинлиги, фикрлаш эркинлиги ҳамда Бош Қомусимиз ва қонунларимизга мувофиқ инсонпарвар қадриятларга, умумжамиyat манфаатларига асосланган ахлоқ ва ҳуқуқ-атворни назарда тутувчи норма ва қарашлар тизими назарда тутилади.

“Дунёвий давлатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва механизмлари” номли

бобда қайд этилган йўналишлардан учтаси – таълим, маданият, ижтимоий ахлоқ ва ҳуқуқ-атвор нормаларини шакллантиришда давлатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва механизмлари қаторида динлараро мулоқот ва ўзаро тушунишда бағрикенглик муҳитини яратиш ва унда давлатнинг ролига оид тушунчалар акс этган.

Жумладан, таълим йўналишидаги дунёвийлик деганда таълим жараёнида, уни ташкил қилишда ва таълим хизматларини кўрсатишда таълим олувчиларда диний ақида ва қарашлардан холи тарзда илмий билимларни, мантиқий фикрлаш қўникмаларини, миллий ва умуминсоний қадриятларни шакллантириш, қарашлар хилма-хиллигини ҳурмат қилиш, умумжамиyat манфаатларига ҳисса қўшиш ғояларига таяниш кўрсатилган. Бунда таълим йўналишида дунёвийликни таъминлашнинг асосий механизмлари қаторида “турли диний эътиқодлар ва таълимотларнинг тарихи, ривожланиш босқичлари ва замонавий тенденциялари тўғрисида ҳолисона билим бериш”; “турли динлар, маданиятлар ва дунёқарашларга нисбатан ҳурмат, бағрикенглик ва тушуниш муҳитини таъминлаб бориш”; “педагог кадрларни тайёрлаш ва танлашда уларнинг диний бағрикенгликни сақлаган ҳолда билим бериш, ахлоқ ва эстетикани сингдириш қобилиятини ўстириш ҳамда мустаҳкамлаш” белгиланган.

Республикаимизда таълим жараёнида инсонпарварлик, аввало, шахсни инсонлиги учун ҳурмат қилиш, эҳтиром кўрсатиш башариятнинг кўп минг йиллик тарихидан мерос бўлиб келаётган энг муҳим олижаноб фазилатлардан ҳисобланиши таъкидланади. Зеро, Ўзбекистон Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган қадимий давлат сифатида бой тарихга, маданий ва илмий меросга эга бўлган цивилизация бешиги саналади. Ушбу заминда зардуштийлик, буддавийлик, христианлик ва ислом динлари тарғиботчилари ўтган. Жамиятда тарихда ҳам диний асосда низолар бўлмаган, озчиликни ташкил этган диндорлар ҳам доим ўзларини тинчлик ва омонликда ҳис қилганлар. Шу асосда бугунги кунда ҳам бағрикенглик, ўзаро тотувлик, динлараро ҳамжиҳатлик тамойилларига таянган ҳолда фаолият олиб борган ҳар бир инсон ўз диний эътиқоди талабларини ҳам бажарган бўлади.

Маданият йўналишидаги дунёвийлик борасида жамиятнинг маданий ривожланиши жараёнида, жумладан урф-одатлар, бадий ва амалий санъат (адабиёт, мусиқа, хореография, театр, кино ва бошқалар) соҳаларини ривожлантиришда инсонпарварлик, табиатга ғамхўрлик, миллий ва умуминсоний маданий меросга ҳурмат ғояларига таяниш қайд этилган. Бунда маданият йўналишидаги дунёвийликни таъминлашнинг асосий механизмлари сифатида “барча миллат ва элатлар, конфессияларга мансуб фуқароларнинг маданиятини ривожлантириш учун адолатли шарт-шароитлар яратиш”, “конфессиялараро тотувлик, муаммоли масалаларни келишув йўли билан ҳал этиш, маънавий-ахлоқий кадриятларни шакллантириш, фикрлар хилма-хиллигини ҳурмат қилиш ва жамиятнинг умумий мақсадларига ижобий ҳисса қўшиш ҳамда умуммиллий кадриятларни кино, театр, адабиёт ва санъат асарлари орқали тарқатишни таъминлаш” каби масалалар кўрсатилган.

Маълумки, ЮНЕСКО (БМТнинг Таълим, фан ва маданият бўйича ташкилоти) барқарорлик ва тинчликни сақлаш, динлар ўртасидаги ўзаро тушуниш ва бағрикенгликни ривожлантириш борасида муҳим фаолият олиб боради. ЮНЕСКОнинг динлараро мулоқот ва ўзаро тушунишга оид ишланмалари, одатда, маданиятлараро ва диний бағрикенгликни таъминлашга қаратилган ва жаҳон жамоатчилигида тинчликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг “Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО” кафедраси 2000 йили 14-15 сентябрь кунлари ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Масуура иштирокида Тошкент ислом университетида бўлиб ўтган “Жаҳон динлари тинчлик маданияти йўлида” мавзuidaги халқаро конгресс доирасида ташкил этилган. Ҳозирда мазкур кафедра ЮНЕСКОнинг динлараро ва маданиятлараро мулоқот йўналишига ихтисослашган тармоғига қарашли дунёнинг 27 мамлакатидида фаолият юритаётган жами 31 та кафедралардан бири бўлиб, республикаимизда “Диншунослик” таълим йўналиши бўйича мутахассис чиқарувчи ягона бўлинма ҳисобланади. Бугунги кунда мутахассислик фанлар доирасида талабаларининг назарий билим ва амалий кўникмаларини мустаҳкамлаш, уларда диний бағрикенглик ғояларини

сингдириш мақсадида республикадаги диний ташкилотлар – Рус православ черкови Тошкент ва Ўзбекистон епархияси, Рим католик черкови, Бухоро яҳудийлари синагогаси, Кришнани англаш жамияти, Будда ибодатхонаси, Баҳойлар жамияти, Немис евангел-лютеранлари черкови ва бошқа ибодатхоналарда сайёр дарс машғулоти ўтказиб келиш анъанага айланган. Бир ўқув йили давомида 40 дан зиёд машғулоти ташкил этилган бўлиб, сайёр дарсларда талабаларга диний конфессия вакиллари, раҳбарлари томонидан ташкилотлар тарихи, диний анъаналари, ўтказиладиган маросимлар, уларнинг хусусиятлари, маросимларда қўлланиладиган ибодатхона атрибутлари билан таништирилади, ибодатхоналарда бажарилаётган маросим турлари, диний маърифий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ва бугунги кунда диндорлар учун яратилган имкониятлари ҳақида батафсил маълумотлар берилади. Суҳбатлар давомида олинган маълумотлар муайян эътиқод борасидаги билимларини тўлдирибгина қолмай, ёшларда диний бағрикенглик ғояларини сингдириш, динлараро мулоқот ва ўзаро тушунишни мустаҳкамлаш, жамиятда бағрикенглик муҳитини таъминлашга хизмат қилади.

Ижтимоий ахлоқ ва ҳуқ-атвор нормаларини шакллантириш йўналишидаги дунёвийлик бу — шахснинг бошқа шахслар ва жамият билан муносабатларда, шахсий эътиқодидан қатъи назар, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шу жумладан виждон эркинлиги ҳуқуқини ҳурмат қилган ҳолда ўзини оқилона тутиши, инсонпарварлик ғоялари, миллий ва дунёвий кадриятларга таяниш экани асосланган. Бунда мазкур йўналишдаги дунёвийликни таъминлашнинг асосий механизмлари қаторида “диний эътиқодидан қатъи назар, жамиятдаги фуқаролар ва гуруҳларнинг умуммиллий кадриятлар ва умумжамят манфаатлари асосида тотувликда ҳаёт кечиришини таъминлаш бўйича тизимли чоралар кўриш”, “ижтимоий муносабатларга оид у ёки бу масала юзасидан жамоатчилик муҳокамаларини оқилона, асосли, ўзаро ҳурмат принциплари асосида олиб бориш”, “ижтимоий муносабатлар иштирокчилари ўртасида, уларнинг эътиқодидан қатъи назар, очиқ мулоқот ва ўзаро тушунишни таъминлаш” белгиланган.

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида рўй бераётган можароларга теран кўз билан қараш, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиш, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни асраб-авайлаш зарурлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Хусусан, айрим минтақаларда диний ақидапарастлик ва миллатчилик уруш ва низолар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Кўпмиллатли жамиятда динлараро тотувликка эришиш демократик ислохотларни изчил амалга ошириш, мамлакатни ҳар томонлама ривожлантириш имконини беради.

Бугунги ёшларнинг энг асосий вазифаларидан бири миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни тенгдошлари орасида кенг тарғиб этиш ва амал қилишдан иборатдир. Чунки, замонавий ёшлар тафаккурида демократик тараққиёт ва миллий ғоя ривожига ҳос ва мос дунёқарашни шакллантириш, ривожлантиришга эришиш бугунги долзарб вазифалардан биридир. Миллатлараро муносабатларда ўзаро тотувлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мамлакатимизнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиётига хизмат қиладиган ғоят муҳим омилдир. Зеро, жамият томонидан унинг парчаланиши ва беқарорлашуви учун кучли омил сифатида юзага келадиган миллатлараро манфаатларнинг тўқнашуви олиб келади. Социолог-олим М.Бекмуродовнинг фикрича, “душманликни тарғиб этса, миллатчилик шаҳардошлик, қишлоқдошлик, юртдошлик манфаатларини сохтакорлик билан ҳимоялаш илинжида миллат бирлигига путур етказиш, уни ичдан бузиш, охир-оқибатда жамиятни ва давлатни ҳам инқирозга олиб келиш, миллий барқарорликка раҳна солишга олиб келади. Миллатчилик муайян халқ ва элатни бошқа халқлар олдида обрўсизлантириши, унинг миллатлараро алоқаларда яққаланиб қолишига олиб келиши мумкин” [10:3].

Олимларнинг фикрича, “Демократияни ҳаракатлантирадиган, уни амалга оширадиган куч – инсондир: демократия фақат халқ ҳокимияти бўлиб қолмай, у ҳар бир инсон, ҳар бир жамоа ва бутун халқнинг ўз мамлакати келажиги, ўз тақдири олдидаги масъулияти ҳамдир”. Жамоатчилик фикрининг мониторинг тадқиқотлари натижалари (1999-2018 йй.) ўзбекистонликларда жамиятдаги тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролар тотувлиги мамлакат мустақиллигининг

энг муҳим бойлиги ҳисобланиши ҳақида яққол ишонч билан устуворлик қилишини тасдиқлади. «Сиз, умумий уйимиздаги тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролар тотувлиги Ўзбекистон мустақиллигининг энг муҳим бойлиги эканлигига қўшиласизми?», деган саволга респондентлар жавобларининг 99,2 % тўла қўшилишини билдирган. Бундай ишонч фуқароларнинг яшаш жойи (шаҳар/қишлоқ), жинси, миллати, ёши, оилавий ҳолати, маълумоти ва ижтимоий мақомидан қатъий назар, мутлақ кўпчилик сўралганлар учун хосдир [10:3].

Мамлакат Конституциясида белгиланган миллий ва диний мансублигидан қатъий назар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши мамлакатдаги тинчлик ва барқарорликнинг, миллатлараро ва фуқаролар тотувлигининг муҳим омили ҳисобланади. Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилинишига ўзбекистонликлар берган баҳоларнинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, умуман олганда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тўла даражада ёки етарли даражада риоя қилинади.

Мамлакатдаги ички ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлиги, жамиятдаги тинчлик ва фуқаролар тотувлиги, давлатнинг миллий сиёсати каби томонлари энг жозибадор кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Айниқса, қўшни давлатларда содир бўлиб турган уруш ва тўполонлар одамни сергакликка чақиради. Зеро, Ўзбекистон кўп миллатли давлат. Тинчликни, барқарорлик ва тараққиётга салбий таъсир кўрсатадиган ҳар қандай ёт ғоялар жамиятда энг нозик нуқталардан синдиришга ҳаракат қилиши мумкин. Миллатчилик, айримачилик асосида хуфёна таъсир қилиши хавfli саналади. Шунинг учун, биз, турли миллат вакиллари, ватанимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш мақсадида бирлашишимиз керак, зеро, миллатчилик оғушида қолган халқлар эса ҳар қандай ташқи таъсир натижасида мўрт дарахт шохчаси каби синиб кетишга маҳкумдир.

Глобаллашув шароитида ёшлар турли бузғунчи ғояларнинг асосий мўлжали бўлиб қолмоқда. Уларда маънавий иммунитет ҳосил қилиш, маънавий олами, хусусан, қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини юксалтиришга алоҳида

эътибор қаратиш зарур. Зеро, ҳар бир дин ўз издошини миллати, ирки ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, бирдамликка, ўзаро яхшилик қилишга ундайди. Жумладан, диний таълимотларда “жамоатдан ажралмаслик”, “одамларнинг Яратган олдидаги тенглиги” ғояси бунинг ёркин мисолидир. Барча инсонлар жинси, ирки, ранги, ижтимоий келиб чиқишига қарамай, баробар ҳисобланади. Хусусан, ислом динининг муқаддас манбалари — Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда мусулмонларга зарар етказмаган ўзга дин вакиллариغا яхшилик қилиш, уларга нисбатан бағрикенг бўлиш, эътиқодларини ҳурмат қилиш, ҳақларига риоя этиш, ҳамиша шу йўлдан бориш уқтирилган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепцияси тасдиқлаш тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилиниши орқали юртимизда давлат ва конфессиялар ўртасида диний бағрикенглик ва конфессиялараро тотувликни таъминлашга асосланган муносабатлар моделини ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди. Мазкур Концепция мамлакат аҳолисининг, айниқса ёшларнинг маънавиятини янада юксалтиришга, кўпмиллатли Ўзбекистон халқининг тотувлиги ва тенглигини таъминлашга, давлатчиликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ХУЛОСА

Динлараро мулоқот ва бағрикенглик муҳитини яратишда давлатнинг роли жуда муҳимдир. Давлат ўзи бошқарган жамиятда турли динларнинг ва маданиятларнинг ўзаро ҳурматини таъминлаш, улар ўртасида тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, аниқ қонунлар ва сиёсатлар орқали динлараро муносабатларни яхшилашга катта ҳисса қўшади. Давлатнинг вазифаси фақат диний соҳага назар ташлашдан иборат эмас, балки умумий иктисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий муҳитда динлараро мулоқотни рағбатлантиришга йўналтирилган ташаббусларни қўллаб-қувватлашдир.

Ўз навбатида мамлакатимиздаги мавжуд конфессия ва миллат вакиллари ўзаро дўстлик

ва аҳилликда яшаб, умуммиллий юксалиш йўлида халқимизда миллий ғурур ва ифтихор, ватанпарварлик ва фидокорлик, комил инсонни шакллантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Бугунги мураккаб даврда тинчлик ва барқарорликни сақлаш учун динлар, конфессиялар, миллат ва элатлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, бир-бирини тушуниш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда худди шундай муҳит қарор топган. Турли динга эътиқод қилувчилар учун зарур шароитлар яратилгани, уларнинг ўз анъаналари ва удумлари, маросимларини бемалол адо этиб келаётгани эътиборга молик. Ўзбекистондаги ўзаро бағрикенглик, меҳр-оқибат муҳити тинчлик ва фаровонликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://constitution.uz/ru>
2. «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сон Фармони // lex.uz/ru/docs/6600404
3. Цели в области устойчивого развития www.un.org/sustainable-development/ru/
4. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепцияси // lex.uz/ru/docs/7404923
5. 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси // president.uz/uz/pages/view/strategy?menu_id=144
6. Саттаров С. Бағрикенглик – давлат ривожланиши ва барқарорликни таъминлашнинг муҳим омили // <https://isrs.uz/uz/smti-ekspertlari-sharhlari/bagrikenglik-davlat-rivozlanisi-va-barkarorlikni-taminlasning-muim-omili>
7. «Диний бағрикенглик» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида ВМ Қарори // lex.uz/ru/docs/6616908
8. Дин ишлари бўйича қўмита фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида // lex.uz/docs/3685963
9. Концепция лойиҳаси конфессиялар вакиллари билан муҳокама қилинди // parliament.gov.uz/uz/news/konsepsiya-loyihasi-konfessiyalar-vakillari-bilan-muhokama-qilindi#/
10. Ахмедова Ф., Шоумарова Н. Миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик ғояларини ривожлантиришда ёшларнинг ўрни // https://new.nuu.uz/wp-content/uploads/2024/09/2-son-07-removed_merged_removed_organized-2.pdf